

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
Давлат тест маркази

# **А Х Б О Р О Т Н О М А**

2018

№ 1

Тошкент

**«АХБОРОТНОМА»**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест  
маркази  
илмий-услубий журнали.  
Бир йилда 4 марта чиқади.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил 19 апрелда  
қайта рўйхатдан ўтказилган.  
Гувоҳнома № 0247

**Таъсисчи:**

Давлат тест маркази

**Таҳририят ҳайъати:**

Закирова Махпиза  
**(бош муҳаррир)**  
Гулямов Суръат  
Муҳаммадиев Муродулла  
Каримов Маджит  
Содиқов Қосимжон  
Ибрагимов Абдуғофур  
Бобоев Орзикул  
**(бош муҳаррир ўринбосари)**  
Қаюмов Абдухалил  
Мирвалиев Зоид  
**(масъул котиб)**

Босишга рухсат этилди: 23.03.2018  
Шартли босма табоғи: 6,1  
Нашриёт ҳисоб табоғи: 5,9  
Адади 100. Буюртма № 1-А-18

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест  
маркази босмаҳонасида чоп этилди.

**Нашрга тайёрловчилар:**

М. Закирова, З. Мирвалиев

**Компьютерда саҳифаловчи:**

О. Бобоев

Баҳоси келишилган нарҳда.

**Таҳририят манзили:**

100202, Тошкент шаҳри,  
Боғишамол кўчаси, 12- уй.

© «Ахборотнома»

**МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
<b>М.Каримов, О.Бобоев.</b> Давлат тест маркази мустақиллик даврида.....	4
<b>Э.Ураева, М.Абдуллаева.</b> Тенденции развития экзаменационных систем в различных странах мира (Узбекистан в данной системе) .....	16
<b>З.Мирвалиев, М.Мирвалиева.</b> Педагогик тестологиянинг тарихи ва қўлланилиши.....	25
<b>Д.Қўчқаров.</b> Инновацион ёндашувлар асосида бўлғуси математика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш .....	30
<b>М.Закирова, Д.Сержанов.</b> 2017/2018 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига талабалikka қабули учун ўтказилган тест синовларининг ўтиш баллари тўғрисида таҳлилий маълумот (давоми).....	32

## КИРИШ

“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг мазкур сонида Давлат тест маркази мустақиллик даврида олиб борган фаолиятига оид мақола берилган бўлиб, унда таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синови орқали танлаб олишга оид давлат сиёсатини амалга ошириши юзасидан олиб борилган ишларга оид маълумотлар, диаграммалар ўрин олган.

Ушбу сонда педагогик тестологиянинг тарихи ва қўлланилишига оид ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда синов тизимларининг ривожланишига оид мақолалар берилган. Уларда тестологиянинг ва синов тизимларининг ривожланиши, такомиллашуви ва қўлланилиши ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Журналнинг мазкур сонида 2017/2018 ўқув йилида олий таълим муассасалари кесимида бакалаврият таълим йўналишларига талабалikka қабул қилиш учун ўтказилган тест синовларининг ўтиш баллари тўғрисидаги таҳлилий маълумотларнинг давоми берилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида инновацион ёндашувлар асосида бўлғуси математика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид мақола ҳам берилган.

Журналнинг ушбу сони таълим соҳасида фаолият олиб бораётган барча мутахассислар, педагоглар, шунингдек, абитуриентлар, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

## ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА

М.Каримов  
Давлат тест маркази директори,  
О.Бобоев  
Ахборот хизмати раҳбари

Мамлакатимизда таълим тизими доимо мустаҳкам мавқеи билан ва юқори салоҳиятли мутахассис кадрлар тайёрланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик борасидаги, умуман барча жабҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқларимиз тараққиёт йўлимизнинг нечоғли тўғри эканлигини исботлаб келмоқда. Бугунги кунда таълим, фуқароларимизнинг таълим олиш ҳуқуқлари, рақобатбардош, улуг аждодларимизга муносиб салоҳиятли авлодни шаллантириш давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади ҳамда ислохотларнинг асосий объекти ҳисобланади.

Юртимизда таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тест синови орқали амалга оширилишининг жорий этилганлиги шундай ислохотларнинг мевасидир. Бу юртимизда қувонч билан кутиб олинди. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига абитуриентларни ўқишга қабул қилишни тест синови орқали амалга ошириш Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари орасида илк бора Ўзбекистонда йўлга қўйилганлиги билан фахрлидир.

Мустақиллигимизнинг бир йиллиги арафасида, аниқроқ айтганда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан ва 1992 йил 11 мартдаги ПФ-361-сонли Фармонга мувофиқ 1992/93 ўқув йилидан бошлаб тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли университетларнинг ўқитувчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлган факультетлари кундузги бўлимларига абитуриентларни синаб кўриш асосида жорий этилган. Мазкур тажриба майдонига, шунингдек, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент автомобиль-йўл институти, Фарғона давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент электр техник алоқа институти қўшилган эди.

1992 йил 9 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 181-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланди ва 1992 йил 15 апрелдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази ташкил этилди. Марказ зиммасига олий ўқув юртларига талабалар танлаб олиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва олий ўқув юртларига ўқишга қираётган

ёшлар учун ягона мезонлар жорий этиш, қабул ва тест технологияси қоидаларини, энг қобилиятли ёшларни қидириб топиш методларини ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди.

Таълим тизимидаги бу янгилик Вазирлар Маҳкамасининг И.А.Каримов раислигида 1993 йил 5 февralида қабул қилинган 61-сонли қарорида ҳам ўз аксини топган эди ва бунгача тажриба тариқасида ўтказиш белгиланган усул айнан мазкур қарордан кейин 1993 йилдан бошлаб барча давлат олий ўқув юртларида, шунингдек, республиканинг рухсатномаси бўлган олий ўқув юртларида барча таълим шакллари бўйича амалга ошириш йўлга қўйилди ва ҳозирга қадар адолат мезони сифатида амалда бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, таълим муассасаларига қабул қилиш учун тест синовларининг жорий этилиши ёшларнинг таълимга бўлган муносабатини, қизиқишини ўзгартириб юборди ва ижтимоий адолатни таъминлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги 258-сон қарорига кўра республика ўқув юртларига абитуриентларни тест усулида танлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш ҳамда олий ўқув юртлари абитуриентларини тест синовидан ўтказишнинг ижобий тажрибасини эътиборга олиб, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига айлантирилди. Мазкур қарорга мувофиқ 1994 йилдан бошлаб олий ўқув юртлари билан бир қаторда барча турдаги ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентларни билимларига баҳо беришнинг тест усулини қўллаган ҳолда танлаш амалиётга жорий этилди ва тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар танлаш 1994 йилда айрим ўрта махсус ўқув юртлари учун, 1995 йилдан бошлаб эса идоравий бўйсунушидан катъи назар, барча ўрта махсус ўқув юртлари учун мажбурий қилиб белгиланди.

Ушбу қарорда Давлат тест маркази Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат бошқарув органи сифатида мавқеи мустаҳкамланди, аниқ вазифалар, ваколатлар юклатилди.

Тест тизими 1992 йилда икки вариантли моделлари ҳамда чекланган ҳажмдаги тест материалларидан ташкил топган универсал саволлар китобчаси билан бошланган эди.

Таҳлилларга эътибор берсак: 1995 йилдан бошлаб, то 2000 йилга қадар Давлат тест маркази томонидан олий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовларида жами 874968 нафар абитуриент иштирок этган бўлса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилган тест синовларида эса жами 463168 нафар ўқувчи қатнашган. Ушбу кўрсаткич 2001 йилдан 2010 йилгача олий таълим муассасаларида 2892408 нафарни ташкил этган. Мана шу йилларда, аниқроғи, 2000 йилдан 2008 йилгача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тест синовлари ўтказилмаган бўлса-да, 2009–2010 йилларда 231183 нафар ўқувчи иштирокида тест синовлари ўтказилган. Таҳлиллар натижаларига қараганда кейинги йилларда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ҳужжат топширганлар сони сезиларли даражада ошиб борган. Масалан, 2011–2017 йилларда олий таълим муассасаларига ҳужжат

топширган 3 миллион 873 минг 312 нафар абитуриент, академик лицей ва коллежларга ҳужжат топширган 697 минг 426 нафар ўқувчи иштирокида тест синовлари ўтказилган. Кўрсаткичларни нисбати бўйича ҳисоблаганда 1995 йилда олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони 93 минг 743 нафар бўлса, 2017 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 729947 нафарни ташкил этган, яъни 7,8 баробарга кўпайганлигини кўриш мумкин.



Худди шундай ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқишга кириш учун 1995 йилда 69 минг 136 та ҳужжат топширилган бўлса, 2016 йилга келиб топширилган ҳужжатлар сони 138 минг 214 тани ташкил этди, деярли икки баробарга кўпайган.



Таъкидлаш лозимки, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан бир қаторда, олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олишни хоҳловчи ёшларнинг сони ҳам ошиб борган.



Мамлакатимиз ёшларининг олий таълим олишга, малакали кадрлар сифатида ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши нақадар баланд эканлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин:



Алоҳида таъкидлаш керак, 2006 йилга қадар фақат 2 турда – олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тест синовлари ўтказилган. Қуйидаги диаграммадан кўриниб турибдики, бундай турларнинг сони 2007 йилдан бошлаб 5 тага, 2008 йилда 10 тага, 2009 йилда 15 тага, 2010 йилда 17 тага, 2011 йилда 21 тага, 2013 йилдаш бошлаб 27 тага етган.



Шу билан бир қаторда, 1992–1995 йилларда абитуриентлар 2-3 та; 1996–2010 йилларда 60-90 та вариантли Саволлар китоби асосида тест синови топширган бўлса, 2010 йилдан бошлаб ҳар бир абитуриент учун алоҳида вариантда саволлар китоби тайёрланиши йўлга қўйилди, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида мазмунан бир хиллиги таъминланган сифатли тест саволлари жамғармаси шакллантирилди.

Мустақиллик даврида халқимиз дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгарди. Бугун биз шу қисқа даврда эришган ютуқларимиз замирида халқимизнинг эртанги кунига мустаҳкам ишончи устунлик қилаётгани унинг алоҳида жиҳатидир.

Эътироф тариқасида айтганда бошқа соҳлардаги каби узлуксиз таълим тизимининг мукамаллашуви, абитуриентлар билимини тест синови орқали аниқлаш “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган тамойилнинг ҳаётий ифодаси сифатида бўй кўрсатди.

Таълим тизимини такомиллаштириш – сифатли билим бериш, таълимнинг сифат даражасини ошириш демакдир.

1998 йил 11 мартда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 109-сон қарор айнан таълим сифатини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ юксак даражага кўтариш, кадрлар билими ва тайёргарлиги сифатини назорат қилиш ҳамда ҳолисона баҳолаш

тизимини ташкил этиш мақсадида Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ташкил этилди ҳамда вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари талабалари билими даражасини баҳолашнинг такомиллаштирилган рейтинг тизими ҳамда улар тайёргарлигининг босқичли ва якуний назоратига тест усули қўллаш воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масъулияти юкланди. Айти кунда мазкур соҳада кенг қамровли ишлар самарали олиб борилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг марказида ёшлар масаласи алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олиб, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида 2004 йил 24 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштиришга оид 293-сон қарори чиқди. Қарор мамлакатимизда таълим, ёшлар сиёсати бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг изчиллигини таъминловчи дастур сифатида намоён бўлди. Унда Давлат тест марказига абитуриентларнинг олий ўқув юртларига сифатли қабул қилинишини таъминлаш, мутахассисларни, шунингдек, таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш сифатини, республика таълим муассасаларида тест ва рейтинг балларининг ҳолислигини назорат қилиш юзасидан жавобгарлик юкланди.

Хусусан, ўқишга қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигининг ҳолис баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, абитуриентлар, ўқувчилар, талабалар билимларининг давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, тест синови натижаларининг ҳолислиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш, хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш кабилар давлат тест марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, айти пайтда Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига мувофиқ Давлат тест маркази таркибидан чиқарилди ҳамда “Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси” номи билан алоҳида ташкилот сифатида мазкур соҳада самарали иш олиб бормоқда.

Маълумки, кейинги йилларда чет тилларига бўлган қизиқиш, ўрганиш замонавий таълим тизимининг талаб ва эҳтиёжи сифатида намоён бўлмоқда. Албатта мазкур ҳолат таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларини узлуксиз ўрганишни тақозо этади.

Шу мақсадда биринчи Президентимиз И.Каримовнинг 2012 йил 10 декабридаги ПҚ–1875-сон Қарори қабул қилиниб, Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинди. Бу албатта чуқур аҳамиятли долзарб ва ниҳоятда зарур қарор эди.

Ушбу қарорга кўра замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқлари, дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириши учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсад сифатида белгиланди.

Ҳозирги кунда Бошқарма томонидан қарорда белгиланган вазифа ва топшириқлар сифатли бажарилмоқда. Жумладан, халқаро эътироф этилган стандартлар талабига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари, барча турдаги ва мақомдаги таълим муассасалари билан ишлаш йўлида илмий-амалий, услубий ишлар, абитуриентларнинг тест синовларига тайёргарлик кўришида маслаҳат ва йўлланмалар бериш, ҳар бир тест синовини ўтказишга доир тадбирлар якунида таҳлилий ишларни олиб бориш ва расмий сайти, “Ахборотнома” илмий-услубий журналларида эълон қилиб бориш, абитуриентлар, аудитория назоратчилари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни кейинчалик бартараф этиш бўйича амалий ёрдам сифатида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб бориш шулар жумласидандир. Кейинги йилларда инглиз тили тестларига тайёрланиш учун, тест натижалари бўйича дидактик таҳлиллар, тестология соҳасида кўп қўлланиладиган атамалар, таржималари ва изоҳлари, абитуриентларнинг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлик даражаси таҳлиллари, умумтаълим фанлари бўйича тест синовларига тайёргарлик кўриш учун қўлланилган яратилди ва яратилмоқда.

Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда давлатимиз томонидан таълим муассасаларига қабул учун ўтказилаётган тест синови тартибини такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йилнинг ўзида абитуриентларга барча қулайликлар ва имтиёзлар яратиш, тест синови жараёнининг шаффофлиги, адолатлилигини таъминлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, мазкур соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелидаги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 16 ноябридаги “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест

синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–3389-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 508- сон (ҳозирги кунда ўз кучини йўқотган), 2018 йил 20 февраль куни “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 130- сонли қарорларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Қарорлар тест синовининг фақат ҳолис, шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлаш билан эмас, балки жамоатчиликнинг хоҳишига мослиги билан жуда муҳим ҳисобланади.

Бу ўзгариш бўйича Давлат тест маркази томонидан тегишли вазирликлар, идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда кенг қамровли ишлар олиб борилди. Жумладан,

Тест синовларига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга жалб этилган қуйидаги масъул давлат ва хўжалик органлари белгиланди:

Давлат тест маркази;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

Ички ишлар вазирлиги;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

Мудофаа вазирлиги;

Молия вазирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

“Ўзэкспомаркази” Миллий кўргазмалар мажмуаси;

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” ДАК;

Фельдгерлик хизмати;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси.

Мазкур қарор асосида киритилган ўзгаришлар доирасида қуйидагилар белгиланди:

[тест синовларининг ўтказилиши бўйича](#)

1) олий таъли муассасаларига ўқишга кириш учун тест синовлари **15 кунда, ҳар куни икки смена**да ўтказилади;

2) республика бўйича олий таълим муассасаларига ҳужжат топширувчи абитуриентлар сони 810 000 нафар прогноз қилинган, шу прогноз асосида иш олиб борилди ва ҳар **бир** смена учун ўртача **28500 – 30000** нафар абитуриентга ўтириш ўринлари тайёрланди, **кунлик** тест топширувчи абитуриентлар сони ўртача **57 000 – 60 000** тани ташкил этади

[тест синовлари натижалари бўйича](#)

1) натижалар тест синови ўтказилган куннинг эртасигаёқ Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

2) бунинг учун жавоблар варақаларини тезкор ўқийдиган “iNSIGHT 150” оптик сканерлари харид қилинмоқда, бу борада АҚШ компанияси билан шартнома тузилди.

тест синовлари ўтказиладиган бинолар бўйича

1) бу йўналишда вазирликлар, маҳаллий давлат ҳокимликлари, таълим муассасалари, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жудда катта ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, сиғимдаги павильонлар, кўп ўринли бинолар, коллежлар, шунингдек, ташкилотларнинг катта бинолари ўрганиб чиқилди.

2) ҳар **бир смена** учун **28 639** та ўтириш ўринлари тайёрланиши режалаштирилди, **2 та сменада** ўринлар **57278** та бўлишини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич **15 кунда** салкам **860 000** тани ташкил этади. Бунинг учун ўлчов параметрлари мослигига кўра республика бўйича жами **57 та бино** танлаб олинди. Уларнинг энг **кичиги 240**, энг **каттаси 1500** ўринга мўлжалланган;

3) энди назоратчилар тўғрисида: тест синови ўтказилган охириги ўқув йилида бино, қават, аудиторияларни назорат қилиш учун 84 минг атрофида педагог ходимлар жалб қилинган эди. Эндиликда жалб этиладиган назоратчилар сони кескин камаяди. Бу йил тест синовларига **2100** нафарга яқин **назоратчи** жалб этилиши режалаштирилган. Улар учун семинар машғулотлари, тест синови ўтказилади, танлаб олинганларга махсус сертификат топширилади.

абитуриентларни бинога киритиш ва тест синови жараёнини кузатиш бўйича

1) тест синови ўтказиладиган биноларга абитуриентлар шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар орқали киритилади ҳамда тест синови жараёни узлуксиз видеокузатув остида ўтади;

2) маълумки, бу талаб тегишли техник воситаларни харид қилиш, биноларнинг белгиланган жойларига ўрнатиш, апробациядан ўтказиш ва ишчи ҳолатда сақлашни талаб этади. Президентимизнинг ушбу қарорида бу каби вазифаларни бажарувчи вазирлик ва ташкилотлар аниқ кўрсатиб берилган. Айни кунларда биноларни етарли миқдорда стол-стул, ёзув тахтаси (доскалар) ҳамда номлари юқорида келтириб ўтилган техник воситалар билан таъминлаш, ўрнатиш борасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган дастлабки босқич ишлари якунланди ҳамда кейинги босқич вазифаларини амалга оширишга ўтилди.

3) шулар билан бир қаторда, қарорга асосан тест синови жараёнини узлуксиз ёритиш учун мониторлар ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган. Бундан буён абитуриентларнинг ота-оналари тест синови жараёнини мунтазам кузатиб бориш имкониятига эга бўладилар.

### Давлат тест марказининг янгиланган таркибий тузилмаси бўйича

Эътироф этилганидек, Президентимизнинг 3389-сон Қарори асосида Давлат тест марказининг тузилмаси тубдан ўзгартирилди. Ушбу тузилма аввалги йиллардаги каби тегишли вазирлик ва идоралар томонидан фан экспертлари рўйхатининг шакллантирилиши, уларни Давлат тест марказида мавсум давомида махсус ёпиқ режимда ишлашга жалб этилиши амалиётидан воз кечишга имконият яратди. Тест тузувчилар, фан экспертлари учун эндиликда Давлат тест марказида штат ажратилди.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган 130-сонли қарори билан Давлат тест маркази тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ушбу қарорда Марказнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, раҳбарларининг асосий вазифалари, жавобгарлиги, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги, фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари белгилаб берилди.

Шулар билан бир қаторда, Марказ фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида штатлар сони 150 тагача кўпайтирилди. Бундан буён муассасамизда бош бошқарма, бошқармалар, бўлимлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда (Тошкент шаҳри ва вилоятдан ташқари) ташкил этилган Давлат тест марказининг бўлинмалари (35 та штат) дан иборат янги тузилма амалда бўлади.

Худудлардаги бўлинмалар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳудуд марказида жойлашган, замонавий инфратузилма ҳамда коммуникация тизимига эга бўлган бинолардан 3 тадан алоҳида хона ажратиш, зарур моддий-техника воситалари билан тўлиқ жиҳозлаш топширилган.

Шулар билан бир қаторда, Давлат тест марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш, рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган **Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинган**лигидир. Бу ҳам жуда муҳим ўзгаришлардан бири бўлиб, авваллари яхши фаолият олиб бориш учун бундай кенг имконият тақдим этадиган ўзгаришлар бўлмаган эди.

Бу борада ҳам тегишли ишлар якунланди. Жумладан,

- жамғарма низоми ишлаб чиқилди ва рўйхатга олиш учун ваколатли вазирликка топшириш ишлари тугалланди;

- Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғарма фондини Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумларидан 5 фоизгача миқдорда маблағ ўтказиш ҳисобига шакллантириш ишлари якунига етмоқда;

- булардан ташқари, фонд маблағлари зарур техника воситаларини харид қилиш ва ходимларни тестология, педагогик ўлчов каби соҳалар ривожланган мамлакатларда малакасини оширишга йўналтирилади. Булар доирасида харид

қилиниши лозим бўлган техника воситалари рўйхати, малака ошириш режалари шакллантирилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 130-сон қарори қабул қилингунга қадар амалда бўлган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 17 июлдаги 508-сон қарори ўз кучини йўқотди.

### АБИТУРИЕНТЛАР БИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН АСОСИЙ ЯНГИЛИКЛАР

Қарорларда белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини сифатли таъминлаш ҳамда абитуриентлар учун тест синови топшириш жараёнини осонлаштириш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда жиддий ишлар амалга оширилди, натижада бир нечта муҳим ўзгаришлар киритилди. Булар:

Саволлар китоби бўйича – соҳага оид ишлар бўйича ҳозирга қадар бир нечта хорижий ҳамкорлар билан иш олиб борилди. Жумладан, Германиянинг Тошкентда фаолият кўрсатаётган Гёте институти ва Давлат тест маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми қабул қилинди. Бундан ташқари, Oxford University Press, Cambridge Language Assessment, British council Британия кенгаши, Россиянинг ФИПИ, Қозоғистоннинг “Тестдан ўтказиш миллий маркази” билан ҳамкорликда семинар ва учрашувлар ўтказилди. Уларда тестология, педагогик ўлчов, тест саволлари жамғармаларини шакллантириш, тест саволлари структураси, мураккаблик даражалари, саволларни математик статистика орқали таҳлил қилиш бўйича замонавий усуллар бўйича фикрлар алмашилди, тажрибалар ўрганилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилдан бошлаб ҳар бир фандан 30 тадан савол киритишга қарор қилинди. Эндиликда саволлар китобида 3 та фандан тест синови топшириладиган таълим йўналишлари учун 90 та, 2 та фандан тест синови топшириладиган таълим йўналишлари учун 60 та савол бўлади.

Жавоблар варақаси бўйича – худди шу каби жавоблар варақасига ҳам мос равишда ўзгартиришлар киритилди. Масалан, жавоблар бўяладиган доирачалар сони 90 та бўлади, Инглиз, Немис ва Француз тилларидан тест синови топширадиган абитуриентлар томонидан қайси тилдан тест топшираётганлигини аниқлаш учун бўяладиган доирачалар ўрни ўзгарди – улар доирачалардан пастга олинди. Шунингдек, жавоблар варақасида мавжуд бўлган ягона код – махсус кодда “0” дан иборат бўлган биринчи қатор энг пастки қаторга туширилди. Буларнинг барчаси абитуриентлар томонидан кўп ҳолларда йўл қўйиб келинган хатоликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Тест синови ўтказилмайдиган таълим йўналишлари бўйича – ҳозир алоҳида иқтидор талаб этиладиган йўналишлар ҳаммага маълум: *маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, мусиқий таълим, санъатшунослик, спорт ва жисмоний тарбия.*

Давлат тест маркази бундай таълим йўналишлари рўйхатини шакллантириб, тегишли ташкилотларга топширди.

Масъулият ва жавобгарлик бўйича – тест синовига жалб этилган барча иштирокчи: Давлат тест маркази ходими, назоратчи, абитуриент ва бошқалар

учун Адлия вазирлиги билан биргалида аниқ жавобгарлик даражаси ва турлари ишлаб чиқилди ҳамда қонунчиликка киритиш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилмоқда.

Шуни ҳам маълум қилиш керакки, бугунги кунда Давлат тест маркази томонидан таълим соҳасида ҳар йили қуйидаги тадбирларни амалга оширишда тест синовлари ўтказилади:

1. Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда.

2. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг билим савиясини аниқлаш бўйича.

3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчиларни қабул қилишда.

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқароларнинг билим даражасини аниқлашда.

5. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргалиги даражасини аниқлаш (ҳарбий тавсиянома) бўйича.

6. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаб-интернатларининг 5-синфига ўқувчиларни қабул қилишда.

7. Республика фан олимпиадаларининг 4-босқичи ғолибларини аниқлашда.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси магистратурасига қабул қилишда.

9. Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббиёт факультетига танловда.

10. Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистратурасига қабул қилишда.

11. Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига номзод талабаларнинг билим даражаларини аниқлашда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг қайта тайёрлаш курсларига тингловчиларни қабул қилишда.

Таълим, ёшлар масаласи доимо давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келган. Бугунги кунда аниқ мавқега эга, илмли, фаол ёшлар сафи кенгайиб бораётганлиги қувонарли ҳолат. Зеро, юксак салоҳиятли ёшларимиз мамлакатимиз қудратини белгилайдиган куч ҳисобланади.

## Тенденции развития экзаменационных систем в различных странах мира (Узбекистан в данной системе)

Э.Ураева

Начальник отдела Государственного центра тестирования,

М.Абдуллаева

Главный специалист Государственного центра тестирования,

Президентом страны Ш. М. Мирзиёевым принят ряд нормативно-правовых актов, направленных на качественное изменение содержания и форм образования, а также инициированы важнейшие реформы в сфере тестирования как средства отбора наиболее достойной, одаренной молодежи для дальнейшего обучения в высших образовательных учреждениях страны. В их числе Постановление Президента Республики Узбекистан №ПФ-3389 от 16 ноября 2017 «О совершенствовании порядка проведения вступительных тестовых испытаний в бакалавриат высших образовательных учреждений республики». Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021гг., разработанная по инициативе Президенты, также содержит отдельные пункты, связанные с качественно иным подходом к тестированию. Всё это возлагает на Государственный центр тестирования задачу обеспечения объективности и достоверности результатов вступительных тестовых испытаний в образовательные учреждения и функцию внедрения передового мирового опыта в процедуру тестовых испытаний.

Проведенный нами анализ организации и проведения экзаменов в различных странах мира при переходе из среднего образования в высшее профессиональное позволил выявить наиболее распространенные модели экзаменов и определить место Узбекистана в этой системе.

Существуют следующие модели экзаменов.

1. «**Экзамены один раз**» - выпускники средней школы сдают экзамены только один раз. Результаты одних и тех же экзаменов могут использоваться и в школе, и в вузе. В эту группу также можно включить Австралию, Австрию, Болгарию, Венгрию, Италию, Исландию, Кипр, Колумбию, Францию, Нидерланды, Германию, Бразилию, Турцию, Израиль, Индонезия, Норвегия, Финляндия и др. В ряде стран (ФРГ, Франция, Эстония) организуются дополнительные экзамены или собеседования в вузах при условии большого конкурса.

Наглядным примером данного типа экзамена является Россия с ЕГЭ – основной формой итоговой аттестации. Головной тестовый центр расположен в Москве и имеется разветвленная сеть региональных тестовых центров с хорошо оборудованной материально-технической базой, позволяющей в определенный дни тестовых испытаний принимать ЕГЭ на местах.

Количество предметов – 14 (из них обязательные предметы – русский язык и математика). Другие на добровольной основе для поступления в вуз.

В приёмную комиссию баллы ЕГЭ предоставляются в виде заявления на поступление, после чего они проверяются в Федеральной базе свидетельств (ФБС).

Заслуживает внимания **литовский вариант** модели одного экзамена. Существует два типа централизованных экзаменов: школьные (только выпускные) и национальные (заменяют выпускные и вступительные в вуз). Выпускник вправе выбирать тип экзамена. Школьные экзамены проводятся и проверяются в школе по централизованно разработанным материалам. Национальные экзамены проводятся в экзаменационных центрах по единым материалам, результаты представляются по единой шкале.

С 1997 г. в **Бразилии** действует система единого национального экзамена. Национальный экзамен среднего образования (НЭСО) осуществляется в форме теста и преследует две цели: аттестацию выпускников средних школ и прохождение ими первого этапа поступления в высшие учебные заведения. По итогам НЭСО выпускники получают сертификаты с оценкой по двухсотбалльной шкале качества их знаний по программе средней школы. Те из них, кто намерен получить высшее образование, прилагают данные сертификаты к своим заявлениям о поступлении в вузы.

Из вышеприведенных стран экзамен проводится **централизованно** по всей стране по единым материалам, разработанным в центре по заданию Министерства образования только в 9 странах: Болгария, Венгрия, Дания, Израиль, Индонезия, Италия, Норвегия, Финляндия, Россия.

В **Австралии и Германии** такие экзамены проводятся Централизованно только в отдельных регионах (штатах, землях), например в Германии в 6 из 16.

Экзамены проводятся **нецентрализованно** (материалы разрабатываются в школе, возможно по рекомендации Министерства образования) в **Австрии, Исландии и на Кипре, а также отдельных штатах (землях) Австралии и Германии.**

В ряде стран (**Германия, Франция, Эстония**) организуются дополнительные экзамены или собеседования в вузах при условии большого конкурса.

В **Нидерландах** используется смешанная модель: экзамены включают централизованную часть, единую для всех (обычно проверяется теоретический материал) и школьная часть, содержание которой проверяют учителя школы (обычно проверяется овладение практической частью курса). Итоговый балл выставляется как среднее арифметическое результатов централизованной и школьной части экзаменов.

В **Эстонии** выпускники средней школы сдают три государственных и два школьных экзамена.

Экзамены **проводятся в школе** в таких странах, как : Австралия, Австрия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Израиль, Италия, Исландия, Кипр, Кувейт, Нидерланды, Норвегия, Румыния, Франция, Швейцария, Эстония, ЮАР. Обычно экзамены проводятся в присутствии внешних наблюдателей.

2. **«Два независимых этапа экзаменов: выпускной в школе и вступительный в вуз»** - все выпускники средней школы сдают экзамены в школе. По результатам этих экзаменов выдается аттестат зрелости. Выпускники, желающие поступить в вуз, сдают вступительные экзамены. Данная тестовая система внедрена, например, с 1992 года в Узбекистане по инициативе Первого Президента республики. С 2017 года после единого тестирования на данную систему перешёл Казахстан (ЕНТ). В данной группе также Южная Корея, Латвия, Греция, Республика Беларусь и др.

Так, например, в Республике Беларусь два независимых этапа экзамена: итоговая государственная аттестация (ИГА) – подведение итогов обучения в школе (выпускной экзамен); вступительный экзамен в вузе – Централизованное тестирование. С 2013 г. в силу вступило и изменение – чтобы исключить возможность участия в конкурсе для получения высшего образования тех абитуриентов, которые имеют весьма низкий уровень подготовки.

Для организации приема абитуриентов в высшие учебные заведения Республики Корея (РК) используется система единого государственного экзамена в тестовой форме CSAT – Comprehensive Scholastic Ability Test, который ежегодно проводится во всех школах страны в конце учебного года.

В случае, если экзаменуемый неудовлетворен результатами сдачи теста CSAT, ему предоставляется возможность повторно пересдать его через 1 год.

В настоящее время в РК официально аккредитованы и функционируют 405 высших учебных заведений. В соответствии с существующей практикой, большинство университетов Южной Кореи являются частными (353 вуза) и имеют различия как в системе, так и в критериях приема абитуриентов. Вместе с тем, многие из них признают в качестве результатов вступительных испытаний как результаты тестов CSAT, так и оценки успеваемости кандидатов в школе по профильным предметам.

Строгих ограничений по количеству специальностей или учебных заведений, в которые могут быть направлены документы абитуриента о школьном образовании и результаты теста CSAT, в РК не существует.

Внеучебные достижения абитуриента при поступлении в национальные вузы Республики Корея не учитываются.

Аттестация проводится исключительно органами управления образованием. Данные функции возложены на Корейский институт образовательных программ (Korea Institute for Curriculum and Evaluation), подчиняющийся национальному Министерству образования, науки и технологий (Ministry of Education, Science and Technology).

Дополнительных испытаний подготовки абитуриентов по профильным общеобразовательным предметам, соответствующим учебным программам школы, при поступлении в государственные и частные вузы РК не проводится, за исключением творческих специальностей.

Для поступающих в вузы по направлениям искусства, спорта, военных специальностей проводятся дополнительные экзамены по профильным предметам.

С учетом того, что высшее образование в Республике Корея является платным, в стране существует система предоставления финансовых льгот и стипендий на обучение для лиц из малообеспеченных семей и инвалидов, поступающих в государственные вузы.

Абитуриентам частных университетов из тех же категорий предоставляются беспроцентные или льготные банковские ссуды.

Лица, желающие получить второе профессиональное образование, имеют право сразу поступать в магистратуру, вне зависимости от специальности, по которой они получили степень бакалавра.

**3. «Два независимых этапа экзаменов, разделенных во времени: выпускной в средней школе и вступительный в вуз»** - все выпускники средней школы сдают экзамены в школе. По результатам этих экзаменов выдается аттестат зрелости. Выпускники, желающие поступить в вуз, должны пройти дополнительную подготовку в течение 1-3 лет по специализации выбранного университета, после этого они сдают вступительные экзамены в вуз. Это Япония, Англия, Сингапур, Канада, Гонконг и др.

Японская образовательная система предполагает, что по окончании школы ученики сдают зачеты по пройденным дисциплинам, обычно в форме письменных тестов, результаты которых вносятся в аттестат о среднем образовании. Проведение единого государственного экзамена не предусмотрено.

Набор в высшие учебные заведения проходит в две стадии. Первая представляет собой тестирование абитуриентов на базе созданной в 1990 г. независимой государственной организации «Национальный центр по проведению вступительных экзаменов в вузы» (полученные по итогам школьного курса оценки успеваемости принимаются к сведению, но не признаются в качестве результатов вступительных испытаний). Как правило, оно включает в себя пять предметов: японский язык, математика, обществоведение, естествознание и иностранный язык. В случае неявки на тестирование по уважительной причине предоставляется еще одна попытка пройти его в другой день, установленный Национальным центром. Пересдача теста не предусматривается. В зависимости от количества набранных баллов в ходе такого экзамена определяются университет, а также факультет, куда может подавать документы выпускник школы. Затем результаты тестов направляются в соответствующий вуз.

На второй стадии абитуриенты проходят дополнительное тестирование на базе учебного заведения (содержание данных испытаний определяется самим вузом), при этом в обязательном порядке пишется эссе по профильной теме. Баллы, полученные по результатам указанных двух тестов, суммируются и становятся основным критерием при принятии решения о зачислении в вуз. На завершающем этапе проводится собеседование, в ходе которого подробно обсуждаются результаты тестов и содержание эссе.

Кроме того, потенциально по усмотрению вуза могут быть приняты во внимание внеучебные достижения абитуриентов, не исключая и особые заслуги перед страной (требуется документальное подтверждение). Для поступающих на факультеты по таким направлениям, как искусство, спорт, а также военное дело

предусмотрены дополнительные специализированные испытания на базе соответствующих вузов.

Отдельные частные университеты не требуют тестирования в Национальном центре, опираясь лишь на результаты собственных вступительных экзаменов.

В случае если абитуриент не получил достаточного количества баллов для поступления в выбранный им университет, он имеет право предоставить в приемную комиссию подписанное директором своей школы ходатайство – рекомендацию, которая может быть учтена при окончательном рассмотрении вопроса о приеме на обучение. Кроме того, остается возможность зачисления в вуз по итогам повторного анализа приемной комиссией поданных документов и ряда дополнительных собеседований, в ходе которых решается вопрос о возможности обучения в конкретном учебном заведении. Однако подобная схема применяется довольно редко.

Система образования в Японии не предполагает особых льгот при поступлении в вузы. Вместе с тем, для людей, попавших в сложную жизненную ситуацию, в первую очередь, связанную с финансовыми проблемами, существует система государственных и вузовских стипендий, которые позволяют либо полностью, либо частично компенсировать оплату за обучение в учебном заведении.

Одновременно японское правительство уделяет особое внимание вопросам образования людей с ограниченными по здоровью возможностями, для которых на базе вузов готовятся адаптированные экзаменационные материалы, позволяющие таким лицам проходить испытания на общих основаниях. Наряду с этим существует ряд специальных учебных заведений, осуществляющих обучение студентов-инвалидов.

Желающие получить второе высшее образование должны сдавать экзамены в выбранном вузе на общих основаниях. При успешном прохождении вступительных испытаний при зачислении учитываются результаты окончания первого высшего учебного заведения, что позволяет в ряде случаев начать обучение со старших курсов.

4. **«Отсутствие обязательных экзаменов»** - обязательные выпускные или вступительные экзамены в вуз отсутствуют. Это в Швеции и Бельгии. В Швеции прием абитуриентов в вузы осуществляется по предъявлению свидетельства об окончании школы/гимназии, в котором выставлены оценки успеваемости лица по предметам, входившим в его учебную программу. Вместе с тем, для повышения шансов быть принятым в вуз абитуриент может сдать платный национальный университетский тест, который разработан Шведским национальным агентством по высшему образованию. Результаты теста действуют в течение пятилетнего срока.

Возможность пересдачи национального университетского теста существует. Школьные оценки успеваемости являются главным критерием при поступлении абитуриентов в шведские вузы.

Итак:

1. Наиболее распространенной моделью является проведение **одного экзамена, результаты которого могут использоваться и в школе, и в вузе.** Причем степень централизации при проведении экзамена, разработке инструментария, обработки и анализа результатов различная. Наибольшая централизация наблюдается при сдаче экзаменов, на основе которых абитуриенты могут поступить в вуз. Они чаще всего проводятся независимыми организациями по централизованно разработанным экзаменационным материалам. Однако многие страны доверяют своим школам проведение экзаменов по централизованно разработанным материалам. Экзамен, как правило, проходит в присутствии внешних наблюдателей.

В Великобритании и США экзамены проверяются независимыми организациями. В Японии первый тур экзаменов проводится государственным центром при министерстве образования, а второй – самими университетами. Данные экзамены превосходят по сложности национальные экзамены и разрабатываются специалистами университетов.

Как правило, министерства образования стран контролируют содержание всех вступительных экзаменов в вузы, используя различные средства (рекомендации по разработке экзаменов, обслуживание, экспертизы и др. Только в США такой связи не прослеживается. Экзамены проводятся нецентрализованно. По данным исследования TIMSS (1999 г.) в 1997 – 1998 учебном году выпускные экзамены в конце 12 класса проводились в 47 из 50 штатов по материалам, разработанным и утвержденным в каждом штате. Для поступления в университеты, особенно в престижные, абитуриентам необходимо было сдать экзамены SAT-I, SAT-II, AP, ACT. Эти испытания проводятся частными компаниями. В большинстве университетов и колледжей при приеме учитываются некоторые из следующих показателей: число кредитов (1 кредит соответствует изучению одного курса продолжительностью 120 учебных часов; для поступления в вуз необходимо набрать не менее 14 – 16 кредитов), полученных при обучении в старшей средней школе; отметки по отдельным курсам, изученным в школе; результаты экзаменов, проводимых частными компаниями; другие факторы (письменные сочинения, интервью и участие во внешкольных мероприятиях). Для поступления почти в треть вузов страны вообще не требуется сдачи вступительных экзаменов.

2. Итоговая аттестация за курс среднего образования (или обязательного общего образования) в значительном числе стран осуществляется на основе двух форм контроля: внешнего централизованного и внутреннего школьного. При проведении школьной части аттестации наблюдается большое разнообразие в используемых формах. В большинстве случаев это не стандартизированные письменные тесты, а формы их дополняющие и оценивающие сформированность различных интеллектуальных, общеучебных или практических, экспериментальных умений (устные экзамены, подготовка и проведение публичных лекций, защита письменных работ, выполнение практикумов или экспериментальных работ и др.). В некоторых странах просто учитываются

текущая успеваемость за последний год обучения или выставляется взвешенный средний балл на основе всех проверочных работ за старшую среднюю школу. Все это направлено на установление большей преемственности различных ступеней образования и формирование комплексной системы оценивания образовательных достижений.

3. В большинстве стран при выборе предметов, по которым проводятся экзамены в школе, наблюдается сочетание обязательных предметов и предметов по выбору. В большинстве стран (но не во всех) обязательным является математика. Следующими наиболее часто относимыми к обязательным предметам являются **родной язык, иностранный язык и естествознание**.

4. При проведении экзаменов, на основе которых принимаются решения о приеме в высшие учебные заведения, в анализируемых странах решаются различные задачи. В ряде стран одной из основных целей экзаменов является оценить уровень подготовки учащихся по общеобразовательным предметам. Причем в одних странах эта подготовка оценивается по основным предметам, в других от учащихся требуется продемонстрировать углубленную подготовку по ряду предметов, в третьих наоборот показать широту подготовки по различным областям знаний, в четвертых требуется одновременно продемонстрировать и широту, и глубину подготовки. Имеются страны, в которых целью экзаменов является определить (спрогнозировать) способности абитуриента обучаться в высшем учебном заведении. Все это оказывает значительное влияние на особенности проведения экзаменов, отведенное время на экзамен, структуру экзаменационных работ, тип заданий и систему оценивания.

Отличительной особенностью экзаменационных систем в рассматриваемых странах является наличие в них механизмов и организационных структур, контролирующих и обеспечивающих качество работы на всех этапах проведения экзамена, также доступность результатов экзаменов для широкого круга заинтересованных лиц и общественности.

5. Важной является информация о числе вузов, в которых абитуриент может подавать документы одновременно. Например, в США абитуриент может подавать документы одновременно в любое число вузов, в Японии – только в два, КНР – 4-6 вузов, Бразилия – не более трёх, в Швеции, Канаде, Южной Корее, Индии – ограничения не установлены.

